

Пиллакорлар юмуши – хазинанинг қумуши

Жиззах вилояти пиллакорлари 700 тонналик улкан хирмон бунёд этдилар. 6-7-саҳифалар ►



Қашқадарёда ғалла ўрими-йиғими авжида

Вилоятда ушбу йилда 1.088 минг тонна ғалла етиштириш режалаштирилган. 11-саҳифа ►

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020-yil 18-iyun, payshanba 24-25 (9061-9062)-sonlar

e-mail: info@qishloqhayoti.uz



Навоий ВИЛОЯТИ

КОРХОНАДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН 250 НАФАР ИШЧИНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ХОТИН-ҚИЗЛАР

Навбаҳор туманидаги "Bright Navoi textile" қўшма корхонасида кунига 20 тонна пахта қайта ишланиб, калава ип тайёрланмоқда.

Корхона туманда нафақат саноатни ривожлантириш, балки аҳоли бандлиги, айниқса, аёлларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, бу ерда меҳнат қилаётган 250 нафар ишчининг асосий қисми навбаҳорлик хотин-қизлардир.

Қўшма корхона маҳсулотлари талабга қараб ички бозорга ҳамда экспортга йўналтирилмоқда.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Беккер Нобель мукофотини бекорга олганми?

ЁКИ МЕҲНАТЧИНИНГ ДАСТУРХОНИ КОРХОНАДА ТУЗАЛИШИ КЕРАКМАСМИ?

Агар ходимнинг оиласида камчилик ва етишмовчиликлар бўлса, унинг фаолиятида самарадорлик ва сифат ҳам етарли бўлмайди.

10-11-саҳифаларда ►

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р ИНИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ ҲАЛ
ЭТИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда давлат органларининг аҳоли билан мулоқотини такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳада ислохотларнинг ҳозирги босқичи давлат органларида низоларни судгача кўриб чиқишнинг ягона тизимини яратиш, медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитражларни фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўладиган низоларни ҳал этувчи самарали муқобил институтларга айлантириш лозимлигини тақозо этмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, низоларни ҳал қилишнинг муқобил имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, судларда иш ҳажмини мақбуллаштиришда медиация институти, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ролини тубдан ошириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида судья тарафлардан келишув битимини тузиш эҳтимolini ёки низони ҳал қилишнинг муқобил усуллари эҳтимolini аниқлайди ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради;

ҳуқуқий жамиятда низони ҳал этишнинг муқобил механизмлари яратилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга эришишнинг самарали воситаси сифатида баҳоланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида:

Давлат божхона кўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Наманган,

Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳузурида **Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашларини** (кейинги ўринларда – Апелляция кенгаши) ташкил этиш тўғрисидаги;

жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) ёхуд ҳаракатсизлиги натижасида ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатлари бузилганлиги ҳақидаги мурожаатлари Апелляция кенгаши томонидан кўриб чиқилиши тартибини ўрнатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, мазкур тартиб жисмоний ва юридик шахсларнинг бундай ишлар юзасидан тўғридан-тўғри бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқини истисно этмайди.

3. Қуйидагилар Апелляция кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органи ўртасида юзага келадиган низоларни судгача кўриб чиқиш ва хулоса қабул қилиш орқали уларни ҳал этиш чораларини кўриш;

мурожаатни кўриб чиқишда қонун ҳужжатида турлича талқин этилиши мумкин бўлган нормалар аниқланган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда, уларни белгиланган тартибда расмий шарҳлашни ташкиллаштириш бўйича чораларни кўриш;

мурожаатни кўриб чиқишда аниқланган қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш.

4. Белгилансинки:

Апелляция кенгашининг таркиби тегишли давлат органи раҳбарининг қарори билан икки ярим йил муддатга тасдиқланади;

Апелляция кенгаши 7 нафардан 11 нафаргача аъзолардан иборат таркибда тузилиши мумкин;

Апелляция кенгаши аъзолигига амалий тажрибага ва обрў-эътиборга эга

давлат органининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимлари, шунингдек, соҳада катта амалий тажриба ёки илмий салоҳиятга эга бўлган обрўли фуқаролар қабул қилинади. Бунда, давлат органининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ёки ходимлари ҳисобланмаган Апелляция кенгаши аъзолари жами Кенгаш аъзоларининг бешдан бир қисмидан ошиб кетмаслиги лозим;

Апелляция кенгаши унда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тавсиявий тусга эга бўлган хулоса қабул қилади. Апелляция кенгаши томонидан қабул қилинган хулоса уч кун муддатда давлат органи раҳбарига кўриб чиқиш учун, бошқа манфаатдор тарафларга маълумот учун юборилади;

Апелляция кенгашининг хулосасини қабул қилиб олган давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосари уни инобатга олиши ёки ёзма асослантирилган тарзда рад этиши мумкин. Бунда, давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосари қабул қилинган қарор тўғрисида уч кун муддатда Апелляция кенгаши ва тарафларни ёзма ёки электрон тарзда хабардор қилади.

5. **Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгаши тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р.Давлетов, М.Икрамов):

Апелляция кенгаши ташкил этилаётган давлат органларининг бу борадаги фаолиятини доимий равишда мониторинг қилиб борсин ҳамда тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида уларга амалий ва услубий жиҳатдан кўмаклашсин;

2021 йил 1 июлга қадар мазкур қарорнинг 2-бандига асосан жорий этилаётган эксперимент натижаларини кенг қамровли таҳлил қилган ҳолда, **уни кейинчалик бошқа давлат органларида ҳам жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан** Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифлар киритсин.

7. Белгилансинки, қуйидагилар:

низоларни муқобил усулда ҳал этиш билан шуғулланувчи профессионал медиаторларнинг ўзаро бирлашувига асосланган **Медиация маркази**;

профессионал медиаторлар, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ўзаро бирлашувига асосланган **Низоларни муқобил усулда ҳал этиш маркази** нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида ташкил этилиши ва фаолият юритиши мумкин.

8. Медиация маркази ва Низоларни муқобил усулда ҳал этиш марказининг (кейинги ўринларда – Марказлар) асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

медиация, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитраж фаолиятига низоларни муқобил усулда ҳал этиш тартиб-таомилини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш;

медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж ишларини кўриш билан боғлиқ фаолиятга аралашмаслик принципи асосида иш юритиш;

медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитраж соҳаларида мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этиш. Бунда, медиаторларни тайёрлаш 72 соатдан кўп бўлмаган ўқув курслари бўйича амалга оширилади ва уларни муваффақиятли якунлаган тингловчиларга **сертификат берилади**;

медиация ва низоларни муқобил ҳал этишнинг бошқа усуллари ривожланиши ва кенг оммалашувига кўмаклашиш, бу соҳада семинарлар, тренинглар ва конференциялар ташкил этиш.

9. Белгилансинки, Марказлар:

а) тингловчиларга таълим беришни ташкиллаштириш учун:

шартнома асосида олий таълим муассасаларининг малакали педагоглари, шунингдек, миллий ва хорижий медиатор, ҳакамлик судьялари ва арбитражларнинг ҳамда вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларини жалб этиши мумкин;

етакчи хорижий медиация ва арбитраж марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши, низоларни муқобил усулда ҳал этиш соҳасида тажриба алмашиши, шунингдек, низоларни ҳал этишга хорижий медиаторлар ва арбитражларни жалб этиши мумкин;

б) медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж фаолияти юзасидан адлия органларига ҳисоботлар топширишдан озод этилади;

в) олий маълумотга эга раҳбарни қўшиб ҳисоблаганда камида беш нафар ходимга эга бўлишлари керак.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р.Давлетов, М.Икрамов):

а) профессионал медиаторлар, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражлар ўртасида доимий равишда Марказлар

ташкил этилишининг ижобий тарафлари ҳақидаги тарғибот ишларини ва бу борадаги фаолиятни мониторинг қилиб борсин ҳамда ҳар чорақда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин;

б) икки ой муддатда илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб:

медиаторларни тайёрлаш бўйича ўқув курсларининг намунавий дастурини ишлаб чиқсин;

Бош прокуратура билан биргаликда медиация институтининг жиноят процессига татбиқ этилиши мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

11. Тошкент давлат юридик университети ва Юристар малакасини ошириш марказининг улар муассислигида Тошкент медиация марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р.Давлетов, М.Икрамов) Тошкент давлат юридик университети ва Юристар малакасини ошириш маркази билан биргаликда Тошкент медиация маркази фаолиятини ташкиллаштириш ҳамда 2021 йил 1 январга қадар **Тошкент медиация марказини** жаҳоннинг медиация институти ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, тайёрланган бино ва жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Тошкент шаҳрида:

2020 йил 1 июлдан бошлаб, **эксперимент тарихида**, давлат хизматлари марказлари биноларида низолашувчи фуқароларга медиатор хизматидан фойдаланиш учун алоҳида хоналар ажратсин;

экспериментнинг ижобий натижалари асосида 2021 йил 1 апрелга қадар ушбу амалиётни барча давлат хизматлари марказлари биноларида татбиқ этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифларни киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ой муддатда белгиланган тартибда профессионал медиаторликни касб сифатида Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Олий суди Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой

муддатда профессионал медиаторлар ва ҳакамлик судлари реестрларига киритилган профессионал медиаторлар ҳамда ҳакамлик суди судьялари тўғрисидаги маълумотларнинг барча суд биноларида жойлаштирилишини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р.Давлетов, М.Икрамов) доимий равишда:

Олий суд, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан биргаликда профессионал медиаторлар, ҳакамлик судьяларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга маъсۇл ходимлар учун низоларни судгача ҳал этиш бўйича илғор тажрибани ривожланган хорижий давлатларда ўрганишни ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида низоларни ҳал этишда медиация, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитраж институтининг афзалликларига бағишланган ижтимоий роликлар, кўрсатув ва эшиттиришларни эфирга узатиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари эътиборига етказиш чораларини кўрсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тегишли олий таълим муассасаларида илғор хорижий тажрибалар асосида медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж соҳалари учун низоларни ҳал этишнинг муқобил йўналишларига оид бўлган магистратура мутахассисликларини ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифлар киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари У.Ш.Ташходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 17 июнь

Ш.МИРЗИЁЕВ

Наманган вилояти

Ҳақиқатдан ҳам юрт кезсангиз, маҳалла ораласангиз шундай замондошларимизни учратасизки, уларнинг фидокорона меҳнати, мамлакат равнақи йўлидаги шижоати, эришаётган натижалари кўкси тўла нишонлар билан эл-юртда азиз-мукаррам бўлиб, ҳурмат қозанаётган ватандошларимиздан кам эмас.



ЭР БОШИГА ИШ ТУШСА...

Янгиқўрғонлик Раҳмонбек Юнусов бир умр ҳайдовчилик қилиб, дунёнинг кўплаб давлатларини кезиб чиққан меҳнаткаш, жаҳонгашта инсон. Турмуш ўртоғи бевақт бандачиликни бажо келтириб, уни, вояга етган ўғилларини ташлаб бу дунёдан ўтди. Оила соҳиб ҳеч қанча вақт ўтмай оғир дардга чалиниб, кўрпага "михланиб" қолди. Фарзандлари қўлидан келган барча ишни қилишди, ўзгариш сезилмади. Тажрибали шифокор меҳрибон аёлнинг қўли, парваршигина отани тезроқ оёққа турғазини мумкинлигини айтди. Аммо қайси бева қўл-оёғи ишламай қолган эркакка қараш, тан маҳрами бўлишликни ўзига раво кўради, рози бўлади, дейсиз? Янгиқўрғоннинг улуглари шундай аёл бор фақат унинг қўлидан бундай савобли ишлар келиши мумкин дея Ёқутхон аяни тавсия этишди. Раҳмонбек хожининг ўғиллари ўзларига она, оталарига ҳамроҳ бўлишларини сўраб "Осмон ямар" адирига қатнайвериб, мурудларига етишди. Охири қутилган кунлар келди. Опанинг чин кўнгилдан қилган муолажа, парварши иш бериб, умр йўлдоши батамом соғайиб, адирга чиқди. Унинг хайрли ишларида кўш қанотига айланди. Хўжалик боғларида қўшимча соҳа асарчилигини йўлга қўйишди. Уларнинг сони 200 тадан ошди. Жорий йилнинг ўзида биргина Россия давлатига 800 та асалари пакети экспорт қилишга эришилди. Қолаверса, юқоридаги хайрли ишларининг раҳмати сифатида аяга ҳажга бориш, ҳожи она бўлиш саодати ҳам насиб этди.

Биз узоқ йиллар томчи сувга муҳтож бўлган "Осмон ямар" адирликлари бағрида қад ростлаган "Рустамжон, Шухратжон, Шавкатжон" фермер хўжалиги боғларини айланиб юриб, хитойлик мутахассислар томонидан амалга оширилаётган яна бир хайрли ишнинг гувоҳи бўлдик. Махсус техника ёрдамида 180 метр чуқурликдан сув чиқариш мақсадида бурғулаш ишлари олиб борилаётган экан. Демак, опанинг азалий орзулари ушаладиган кунлар яқин. У яратган боғлар атрофида йиллар мобайнида қақраб ётган адирликлар ҳам эндиликда яшилликка бурканади. Бугун оилавий пудрат асосида меҳнат қилиб тўкинчилик яратаётган 27 та оила қаторига яна юзлаб янгиқўрғонликлар қўшилади. Турмуш фаровонлиги ошади. Ана шундай улугвор орзулар қанотида астойдил меҳнат қилаётган бу аёлнинг нияти, эзгу мақсадлари бир олам. "Осмон ямар" адирлари атрофидаги барча даштлар кўм-кўк экинзор, боғларга айланса. Бугун инсоният аҳли тинч, осойишта, тўкин-сочин яшаса, ўғил-қизу, дўсту ёронлар саломат бўлса, бас.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Адирларда тошиб ҳаловат

Жорий йилнинг 16 июнь куни ўзининг 65 ёшини нишонлаган бўлишига қарамасдан ҳамон бор куч-ғайрати, салоҳияти, иқтидорини қишлоқ хўжалигининг ривожига, фермерчилик ҳаракатининг юксалишига бахш этаётган янгиқўрғонлик фермер Ёқутхон Абдуллаева ҳақида Тўрақўрғон тумани ҳокими Зулайхо Маҳкамовадан кўп бор эшитгандим. Ёзсангиз, мана шундай аёл ҳақида ёзинг. Арзийди. Бу опани кўпдан бери биламан. Уни собиқ ва ҳозирги вилоят, туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари ҳам яхши танишади, дея ҳикоясини давом эттирди. Мен қогоз қоралавердим. Демак, мақолани ўқиш, бир аёлнинг кўпчилигига намуна қилгудек меҳнатига, жасоратига, шижоатига баҳо бериш сиздан, ҳурматли муштарий.

БИР КАМ ДУНЁ ДЕЙДИЛАР

Келиннинг оёғи ёқиб уйга барка кираётганидан хурсанд бўлган қайнота унинг яна ўқиб, ўсишини истади. Шароит яратиб бериб Наманган қишлоқ хўжалик техникумининг агрономия бўлимида ўқитди. Тез орада икки ўғилли бўлишни ҳам уддалади. Уларга Шухратжон, Шавкатжон деб исм қўйишди. Бир кам дунё деганлари рост экан. 1986 йили оғир хасталик умр йўлдошидан бевақт айирди. Аммо бу қутилмаган зарба, оғир синов уни меҳри тушиб қолган адирдан айира олмади. Бор аламини меҳнатдан олди. 1974 йилда Искавот қишлоғига туташ 200 гектарлик ўзлаштирилган ерга бригадир бўлди. Кўтарма насослар ёрдамида олиб чиқилган ҳар томчиси тиллога тенг сувдан унумли фойдаланиб пахта ва ғалла ҳосилдорлигини тинмайин ошириб борди. Ташаббускор ва ташкилотчилиги кўл келиб ёшлар сардорлигига муносиб топилди. Республика курултойларида иштирок этди, вилоят кенгаши депутатлигига сайланди.

1998 йилда Ровот қишлоғи ёнбағридаги 60-70 метр баландликда жойлашган "Осмон ямар" адирини ўзлаштириш унга ишониб топширилди. Кўплаб ёввойи ҳайвонлар макони бўлган бу жойларда кун-тун демай жавлон урди. Ер шудгорлади, текислади, уруғ қадади, сув таради. 10 йил ичида паст-баланд дала-даштда 35-40 центнер пахта ва ғалла берадиган майдонлар яратди. Сув таъминотидаги узилишлар натижасида яна адирликлар қуруқ даштга айлана борди. Вилоят, туман ҳокимлиги, мутасадди ташкилотлар томонидан билдирилган ягона хулосага кўра бу ҳудудларда боғдорчилик фермер хўжаликлари ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Аммо сувсиз жойда ҳар ким ҳам юрак ютиб иш бошлашга хафсала қилавермагач, яна Ёқутхон Абдуллаевага ишонч билдирилди. Собиқ вилоят раҳбари Икромхон Нажмидиновнинг кўмаги билан сув қувурлари тортиб келинди. 26 гектарлик адирликка кам сув талаб этадиган мева кўчатлари экилиб, кўзни қувнатувчи боғ яратилди. Аммо айрим кимсаларнинг бу жойларни ўзиники қилиш ниятидаги тош отишлари иш бермади. Туманнинг янги ҳокимининг одилона аралашуви опанинг қаддини янада ғоз қилди. Экспортбоп бодом, ғайнали кўчатлари ўтган йили нишона ҳосил қилди. Бу йил эса дурустгина даромаддан дарак бермоқда. Боғ оралиғига экилган буғдойнинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтарилгани ҳам чакимас.

ТУРСУНОЙ БЎЛАЙ ДЕЙМАН

Ёқутхон Абдуллаеванинг ҳаёти ҳам барча қишлоқ аёллариники ўхшаш. Аммо унда унча-мунча эркакларга ҳам мактаб бўлса арзигулик ҳислат, фазилатлар беҳисоб. У Янгиқўрғоннинг паст-баланд адирликлари қуршовидаги Нурафшон қишлоғида туғилди. Мактабни тамомлаб Учқўрғон шаҳридаги 1-хунар техника билим юртига бориб, механизаторликка ўқиди. Қизнинг таърифини эшитган Навкентлик Неъматжон Абдуллаев белни маҳкам боғлаб совчи қўйиб адашмади. Уни тез орада ўғли Рустамжонга келин қилиб олиб берди. 16 кунлик келинчак ширкат хўжалигининг Т-28 русумли тракторини моҳирона бошқариб ғўза қатор ораларига ишлов берганида маҳалла аҳли ҳайратдан ёқа ушлади. "Зангори кема"да тонна-тонналаб пахта тўкиб улкан хирмон яратганда кўпчилик хотин-қизларнинг ҳаваси келди.

Данғарада сув муаммоси

БАРТАРАФ ЭТИЛЯПТИ

Йилдан йилга сув муаммоси ошиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг ягона сабаби биринчидан сувга бўлган талаб ошиб бораётгани бўлса, иккинчидан бизнинг ўзимизда камлиги. Азалдан суғорма сув Қирғизистон тоғларидан оқиб келувчи дарё ва сойлардан олинади. Бу йил ҳам бошқа йилларга қараганда анча мураккаб шароитга дуч келмоқдамиз. Табиат инжиқликлари, ҳавонинг дам пастлаши, дам кўтарилиши сув таъминотида турли тўсиқларни келтириб чиқарпти.

Данғара тумани ирригация бўлими бошлиғи Шавкатжон Сатимов билан бу йилги сув тақчиллигининг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар хусусида гаплашдик. Унинг шу кунлардаги кўйди-пишди ишлардан сира қўли бўшамаётгани аниқ. Нафақат у, балки сув тақсимлаш бўлими, гидропост ходимлари, сув истеъмолчилари уюшмаси мироблари, қўйинги, сувчиман деб юрган киши борки, қандай қилиб бўлса-да экинларни баравж ривожлантириш, пировардида мўл ҳосил кўтариш дардида ҳаракат қиляпти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 1 июндаги “2020 йил ёзги суғориш мавсумида экин майдонларини сув билан ишончли таъминлаш ва сув тақчиллигининг олдини олишга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тармоқларида ишлаб чиқилди.

– Ана шу қарор бизга куч-қувват бағишлади, барча ҳаракати-

мизни фаоллаштириш имконини берди, – деди Данғара тумани ирригация бўлими бошлиғи Шавкатжон Сатимов. – Қайси фермер хўжалигига борсак, ана шундан гап очамиз, сувни исроф қилмаслик тўғрисида чора излаймиз. Ҳисоб-китобларга кўра Данғара туманининг сувга бўлган талаби 190 миллион метркуб бўлиб, шу кўрсаткичга яна 38 миллион метркуб сув етишмаслиги аниқланган. Буни қоплаш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Шунга асосан 3,9 миллион метр куб сув тежовчи технологияларни қўллаш, 12,6 миллион метркуб сув коллектор-дренаж тармоқларига қўшимча насослар ўрнатиш, 16,6 миллион метркуб сув экинларни тўғри жойлаштириш, 4,9 миллион метркуб сув ирригация тадбирларини амалга ошириш орқали қопланади. Чуқур ўйлаб ишлаб чиқилган бу чора-тадбирлар режа асосида амалга оширилмоқда. Сув таъминоти оғир бўлган Катта турк, Доимобод, Қум қияли, Тумор, Урганжи худудларидаги экинзорлар Сўх дарёси ва Катта Фарғона каналидан сув ичади. Бу

худудларда сувга бўлган талаб кейинги йилларда ортиб кетди. Лекин узилиш бўлмайди. Муҳтарам Президентимизнинг вилоятимизга қилган ташрифларидан кейин сув тежовчи технологияларни жорий қилганларга давлат томонидан илгарига қараганда катта имтиёзлар берилиши фермерлар жонига оро кирди.

Туманда сувчиларга етарли шароит яратилган. Уларга вақтида иш ҳақлари бериб бориляпти. Пахтазорларда ҳар 60-70 метрга ўқ ариқ ва шоҳ ариқ олингандан сўнг сув очилиши яхши самара берапти. Шундай қилинганда экин сувга қонади, сув тежалади, қўллашга йўл қўйилмайди. Сув истеъмолчиларидан суғориш агротехникасига амал қилиш ҳақида тилхат олингани ҳам масъулиятни оширди.

Сув олиш бўйича ажратилган лимитнинг етмаган қисмини юқоридаги усул билан қоплаётган туман сувчилари бу йил ҳам ўтган йиллардагидек пахта ва ғалладан юқори ҳосил олиш учун бутун имкониятларини ишга солиб баракали меҳнат қилаёттир.



Сув тақчиллигини олдини олиш бўйича Данғара туманида бўлиб ўтган семинар йиғилишларида ҳам шу масалалар муҳокама қилинди. Фермерлар, сувчиларга тежамкорлик масаласи қайта-қайта тушунтирилди. Вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Ҳалимжон Умаров, туман ҳокими Шухратжон Тожиҳақимовлар сўзга чиқиб, сув тежамкорлиги, экинни вақтида суғориш ва унинг агротехникасига амал қилиш бўйича фикр юритдилар.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
Сирдарё-Сўх ИТХБ матбуот котиби.

Бугун ўзбек аёлининг эгида камалакдек товланаётган, миллийлик, қадимийлик ва замонавийликни ўзида мужассам этган атласу адрас либослар ҳам ипакдан тўқилган матодан тикилади. Аммо, уларнинг хомашёси табиат мўъжизаси – ипак қурти ўраган пилла эканини кўпчилик хаёлига ҳам келтирмайди. Тўғри, тўқимачилик саноатида синтетик молалар соф пахта ёки табиий жундан тайёрланган матолар ипак ўрнини жадал эгаллай бошлаган бўлса-да, бу рақобатда ўрнини босадиган хомашё йўқ. Нафақат атласу адраслар тўқиладиган, балки қимматбаҳо стратегик хомашё ҳисобланган кумуш толани етиштириш замирида инсоннинг машаққатли меҳнати ётади.



Пиллакорлар юмуши – ХАЗИНАНИНГ КУМУШИ

Вилоят пиллакорлари 700 тонналик
улкан хирмон бунёд этдилар

Бўнак пуллари ўз
вақтида берилди

Мутахассисларнинг айтишича, оғирлиги 2 грамм бўлган битта пилла 1000 метрга яқин тола беради. 100 килограмм пилладан 100-140 метр газлама тўқишга етарли ипак олиш мумкин. Ипак тола мустаҳкамлиги пўлат симниқига яқин бўлиб, 1 квадрат миллиметрли ипакни узиш учун унга 50 килограммга тенг куч сарфлаш керак. Кўришиб турибдики, ипак нафақат тўқимачилик саноатида, балки ҳарбий, авиация, тиббиёт ва бошқа соҳаларда ҳам ўрнини бошқа нарса боса олмайдиган материал сифатида кенг фойдаланилади. Шу боис, мамлакатимизда кейинги йилларда пиллачиликни жадал ривожлантириш, соҳага инновацион технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Мустаҳкам озуқа базаси

Сифатли пилла етиштиришда кўплаб омиллар қатори ипак қуртига озуқа етказиб бериш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада вилоятда пиллачилик корхоналарини молиявий соғломлаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, сифатли ва мўл пилла етиштиришга эришиш, тутзорларни кўпайтириш, ипак қурти уруғи тайёрлаш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури доирасида муайян ишлар амалга оширилди.

– Тутзорлар хатосини тўлдириш, дала ва йўл четларида тутқаторлар яратиш мақсадида жорий йилда 1 миллион 838 тупдан зиёд тут кўчати экилгани қурт озуқаси тақчиллиги олдини олишга қаратилган муҳим тадбирлардан бири бўлди, – дейди вилоят "Агропилла" МЧЖ раиси Кенжабой Қўнонов. – Вилоятимиз бўйича жами 1 минг 464 гектардан зиёд тутзорлар мавжуд. Жорий йилнинг ўтган даврида 254 гектардан зиёд янги тутзорлар ташкил қилинди. Ҳозирда кузги кўчат экиш ишларига пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Пахтакор туманида 131 гектар тутзорлар 169000 туп. дала четлари-

да яқка қатор тутлар мавжуд бўлиб, озуқа базани мустаҳкамлаш борасида 2019 - 2020 йилларда 20 гектар янги тутзор ташкил этилди. Эрта баҳорда Самарқанд хўжалигидаги тутзорга 2000 туп оддий маҳаллий тутга "Мархамат" навидан қуртак усулида пайванд қилинди. Пайванд ўз вақтида сифатли қилинганлиги сабабли бехато ривожланди.

– Мархамат" навининг афзаллиги ҳосилдорлиги юқори баргининг йириклиги 8-10 баробар маҳаллий навга нисбатан серсув, озуқавийлик қиймати юқори, – дейди Самарқанд фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмасидаги тутзорлар парвариши бўйича бириктирилган боғбон Аҳмад Жабборов. – Тақрорий пилла боқишда наводани кесмасдан баргини териб боқишда қўлайлиги бор. Навданинг ўсиши бир йилга 5-6 метрга етади. Маҳаллий навники 2,5-3 метрга етади.

2020 йил эрта баҳорида А.Икромов фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмасида жойлашган 10 000 туп маҳаллий тутга "Мархамат" нави қуртак усулида пайванд қилинди. Пайвандлар бехато ривожланиб, агротехник чора тадбирлар олиб борилмоқда.

Жаҳон ипак бозорида ипак маҳсулотларига бўлган талабнинг тобора ошиб бораётганлиги ўз навбатида мамлакатимизда пилла етиштириш ҳажмларини босқичма-босқич оширишни тақозо этмоқда. Пиллачилик соҳаси ҳам республикаимизда Коронавирус пандемияси даврида ривожланган ривожландики, самарадорлик пасайгани йўқ. Бу борада Жиззах вилояти ҳокимлигининг "Йўл харитаси"да белгиланган "Бир хонадонга-бир қути ипак қурти" тамойили асосида жорий йилда 10 минг 469 та хонадонга ипак қурти тарқатилди.

Йилнинг биринчи ҳосилини етиштиришда коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида жорий этилган карантин қоидаларига туманда тўлалигича амал қилинган ҳолда мўл пилла ҳосили етиштириш учун барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилганлиги сабаб вилоятимиз "кумуш тола" иждоқорлари 12 минг 727 қутидан жами 700 тонна хосил кўтариб, шартнома режани ортиғи билан удаладилар. Вилоятимиз улкан хирмонига Пахтакор, Зафаробод, Шароф Рашидов, Зарбдор, Арнасой туманлари пиллакорлари муносиб улуш қўшдилар.

Албатта бу меҳнат замирида 11 минг 676 та фермер хўжаликлари билан шартнома тузган қурт боқувчи хонадонларга ипак қуртини парваришлаш борасида амалий ва услубий ёрдам кўрсатилиб, зарур миқдордаги ўрама қоғоз, термометр, психрометр, бўз мато, дезинфекция препаратлари ва бошқа воситалар етказиб берилиши бош омил бўлди. Энг асосийси, пиллакорнинг моддий манфаатдорлиги устуворлиги таъминланишига алоҳида эътибор қаратилиб, етиштириладиган хомашё қийматининг 30 фоизи пиллакор хўжаликларга бўнак сифатида олдиндан тўлаб берилгани саяъ-ҳаракатлар натижадорлигида муҳим омил бўлди.

Янгича усул, янгича ёндошувлар

Пиллачилик янги Ўзбекистон иқтисодиётининг сердаромад яхлит бир тизими сифатида кун сайин такомиллашиб бораётган тармоқ сифатида ўзини намён қилиб улгурди. Энди одамлар ипак курти парваришлагга рўзгор тебратишнинг моддий манфаати ҳамда халқимиз тadbиркорлигини дунё миқёсида кенг намён этиб, пиллачилик тармоқларида илғор инновацион гоёларни ҳаракатга келтиришнинг асоси сифатида қарашга ўрганиб бормоқдалар. Бу эса мамлакатимизда пиллачилик соҳасининг кун сайин ривожланиб, тизимда тadbиркорлик имкониятларининг кенгайиб боришига сабаб бўлмоқда.

Ҳозир пиллачилик тармоғида вилоятда учта – Жиззах шаҳрида "Silk expert processing" Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонаси, "Zomin Asl ipak Tolasi", "Zomin teks eksport" масъулияти чекланган жамиятлари кластер усулида фаолият юритмоқда. Энди пилла етиштириш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот чиқаришдан то экспортгача бўлган жараён ушбу икки корхона томонидан амалга оширилади. Ҳозирча бу ишда дастлабки, аммо ишончли қадамлар қўйилди.

Пилла хомашёсини етиштириш ва қайта ишлаш, илмий-тадқиқот йўналишидаги субъектлар ўртасида бозор тамойилларига мос муносабатларни мужассамлаштирган бу корхоналарда йилнинг ўтган даврида 300 га яқин доимий, 2 минг 110 та мавсумий иш ўрни яратилди.

Пиллачилик соҳасидаги корхоналар 2023 йилнинг биринчи январигача ягона солиқ ва ягона ижтимоий тўловлардан озод қилиниши ҳамда кредитлар билан қўллаб-қувватланиши пиллачилик озуқа базасини яратиш, хомашё етиштиришни кўпайтириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш имкониятини кенгайтirdи. Бу ислохотлар жараёнида пилла боқиш билан шуғулланувчи касаначи-

ларнинг даромад солиғидан озод қилиниши, пилла мавсумидаги иш даври пенсия ҳисоблашда бир йил деб ҳисобланиши тармоқда меҳнат қилувчиларнинг манфаатдорлиги ва қизиқишини оширди.

Жорий йилда вилоятимизда биринчи ва иккинчи ҳосил учун шартнома режасида кўзда тутилган 700 тоннадан зиёд пилла хомашёси етиштирилди.

Яратилган имкониятлар, корхоналар қуввати ҳисобга олиниб, пилла етиштиришни босқичма-босқич кўпайтириб бориш дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, Дўстлик, Пахтакор, Зафаробод, Фориш туманларидаги пилла етиштирувчилар билан кластер шартномаси усулида ишлаётган "Silk expert processing" қўшма корхонаси тизимида 2017-2021 йилларда 998 минг тонна барг бериш қувватига эга тут плантациялари барпо этилаётир.

Бахмал, Зомин, Ш.Рашидов Зарбдор ва Янгиобод туманлари пиллакорлари билан шерикчилик қилаётган "Зомин асл ипак толаси" МЧЖ корхонаси 600 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга. Айни пайтда корхонада мавсумий касаначи-пиллачилардан ташқари 100 нафар киши доимий иш билан таъминланган. Истиқболда пиллачи-касаначилар ҳисобига мавсумий ишчилар сонини 2 мингга етказиш мўлжалланмоқда.

– Ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, бизнес ва илмий-тадқиқот каби қайта ишлаш соҳаларини қамраб олган агрокластер усули пилла курти маҳсулдорлигини ошириш, бу йўналишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш имкониятини яратмоқда, – дейди вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи Абдулла Ихтиёров. – Пиллакорларимиз баҳорги курт боқиш мавсумида Хитойдан келтирилган 12 минг 727 кути уруғни ўз вақтида жонлантirdи. Парвариш агротехник талаблар даражасида ташкил этилди. Тармоқдаги янгича ёндошувлар туфайли



Пилла хомашёсини

етиштириш ва қайта ишлаш, илмий-тадқиқот йўналишидаги субъектлар ўртасида бозор тамойилларига мос муносабатларни мужассамлаштирган бу корхоналарда йилнинг ўтган даврида 300 га яқин доимий, 2 минг 110 та мавсумий иш ўрни яратилди.

вилоятимизда шартномавий режа ортиғи билан ўдаланди.

Ипакчиликнинг кластер усулига ўтказилиши билан боғлиқ яна бир муҳим янгилик – пилладан уч марта ҳосил олиш технологияси ўзлаштирилди. Ўтган йили вилоятимизда тажриба тариқасида олиб борилган изчил изланишлар натижасида иккинчи ёғи ҳосил учун боқилган 700 кути ипак куртидан 35 тонна ҳосил етиштирилди.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари каби пиллачиликда ҳам бу ишнинг сирини пухта биладиган миришкорлар кўп. Аммо фақат қисқа мавсумда арзимас иш ҳақи ҳисобига курт боқиш билан шуғулланган пиллакорлар меҳнати кўзга кўринмай, рағбатлантirdилмай келаётган эди. Тармоқда амалга оширилган ислохотлар, янгича ёндашув, янги иш усули туфайли пиллакорлар халқимиз фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган қишлоқ хўжалиги ходимлари қаторидан муносиб ўрин олди.

Гулсара опанинг пилласи

Ғаллаорол тумани "Булоқбоши" қишлоқ фуқароар йиғинидагилар Аҳмедовлар хонадонини пиллакорлар оиласи сифатида ҳурмат билан тилга олади. Мана, 20 йилдирки, оила аъзолари ипак курти парваришлаб, давлатга кумуш тола етиштириб беради. Оила бекаси Гулсара Аҳмедова бу йил ҳам 2 кути курт уруғи олиб, парвариш қилди.

– Худудимизда пилла етиштириш учун жуда қулай шароит бор, – дейди Гулсара опа. – Ҳозирги карантин даврида ҳам барча зарур қондаларга амал қилиб, мавсумий ишларни қиляпмиз. – Ипак курти боқиш бир ойлик меҳнат бўлгани билан жуда машаққатли. Айниқса, даҳа энг қизиқ жараён ҳисобланади. Катта даҳада ипак куртининг иштаҳаси очилади, бир кунда 5-6 маҳал барг соламин. Ярим соатдан кейин кирсангиз куртлар худди ҳеч нарса кўрмагандай яна барг излаб бошини тебратаетган бўлади.

– Ипак курти боқиш сир-асрорларини кимдан ўргангансиз?

– Қайнонамдан. Шу эшикча келин бўлиб тушгунимча ипак курти парвариши билан шуғулланмаганман. Қайнонам раҳматли, ҳар йили курт боқарди. Уша пайтда хўжалиқда энг кўп пиллани қайнонам топшираркан. Вафот этганига бир неча йил бўлаяпти. У кишининг ҳаётлиғида кўзимиз пишгани, тажриба оширганимиз учун қийналмай пилла боқаялмиз. Катта одамнинг барибир йўриғи бошқа. Бугун турмуш ўртоғим ҳаммамизга бош-қош бўлади. Кўпроқ ўзим масъулиятни зиммамга олиб,



ҳар йили пилла мавсумида меҳнат қиламиз.

– Ипак куртидан мўл ҳосил олиш гарови нимага боғлиқ?

– Ўзингизнинг ҳаракатингизга боғлиқ. Хоналарни тез-тез шамоллатиб, вақтида барг солиб, ҳашароту қушлардан эҳтиёт қилиб, парваришини қилсангиз, покиза пилла ўрайди. Ҳосил мўл ва сифатли бўлади. Кейин, мен куртларимни эркалатиб парвариш қиламан. Буям бир Яратганнинг мўъжизаси, чақалоқдай нарсада. Ипак курти бор хонадон чиллалаи ҳисобланади. Куну тун чирок ёниқ туради, жуда нозик, ушласангиз ҳам авайлаб ушлайсиз, шунақа...

– Курт боқишда оила аъзоларингиздан ташқари яна кимлар ёрдам

беради сизга?

– Қайни укаларим оиласи билан куртлар катта даҳага кирган пайтда ёрдамга келишади. Фермеримиз ҳам барг кесишда, олиб келиб беришда ёрдам беради. Тез-тез хабар олиб, маслаҳатлар бериб туради. Пилла тергани эса кўни-кўшни, қариндош уруғимни қақираман. Пилла териш ҳам худди бир тўйдай бўпкetaди. Озгина қийинчилигини айтмаса, курт боқилининг ҳам ўзига яраша гашти бор. Ҳар йили мавсум келганида юрагим ховликиб курт боқим келади. Уйқусиз тунларим, ёмғирда қолганларимиз эсдан чиқиб кetaди.

Гулсара опа қайнонасидан, тажрибали пиллакорлардан ўрганганларини яхши ўзлаштирди. Ипак курти боқиш-

нинг ҳадисини олди. Оила аъзолари кўпчиликини ташкил этса-да, ипак курти боқишнинг меҳнати ва машаққатидан чўчимади. Олти ўғли ва бир қизини ёнига олиб, ҳар мавсумда "қурт боқаман", дея ташаббус билан чиқаверади. Меҳнатлари самараси ўлароқ, режани ҳар йили ортиғи билан бажариб келмоқда.

– Пилладан қанча даромад оласиз, – сўраймиз яна Гулсара опадан.

– Даромади... бор, ўзига яраша. Бўнак пули беради бошида, кейин... Пиллани топшираверайликчи?! Даромадига қўшимча ўтин-чўпи қолади. Бозордан ўтин сотиб олмаймиз. Барг кесганимизда чиққан тут ўтини келаси йилги курт мавсумигача бемалол етади.

Гулсара опа 2 кути курт уруғидан 145 килограмм пилла топшириб, зиммасидаги масъулиятни адо этди.

Дарҳақиқат, бу – мўъжиза. Яқиндагина барг излаб ўрмалаб юрган куртлар ўрнида энди пиллалар. Деразадан тушиб турган қуёш нурида кумушдай товланяпти. Бежизга пиллани халқимиз кумуш тола деб атамаслигини тушундим.

Ҳа, дунёдаги ҳамма шодлик, эзгуликларнинг манбаи – меҳнат. Фақат меҳнатгина инсоннинг қалбига тиниқлик, мутаносиблик ва ўз-ўзидан қаноат туйғусини олиб кириб, уни бахтиёр қилади. Гулсара Аҳмедова бугун пилла етиштириб, халқи ва юрти олдида юзи ёруғ бўлганидан кўнглида хушнудлик сезади. Ахир меҳнатдан кейинги роҳат шу-да.

Тургун ЎРОҚБОВ,
журналист

Президентимиз 2019 йил 11 январь куни Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Самарқанд шаҳри учун Қорасув массивидан ажратилган 50 гектар майдонда қисқа фурсатда бунёд этилган элликка яқин уй-жойлар билан танишган ва шаҳарчани янада кенгайтириш, замонавий кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис нуқталари қурилишини давом эттириш юзасидан топшириқлар берган эди.



Самарқанд ОСМОНГА БЎЙЛАЯПТИ

Шунингдек, ҳудудда "Agromir bildings" компанияси томонидан хориж технологияси асосида монолит усулида барпо этилиши режалаштирилган 12, 14, 16 қаватли турар жойлар қурилиши қўллаб-қувватланган эди.

Ўша куни вилоят фаоллари билан учрашувда ҳам ҳудудларда уй-жойлар қурилиши кўламини кенгайтириш бўйича фикрлар билдирилди, аҳолининг мурожаатлари эшитилди. Бунга жавобан Президентимиз Самарқанднинг ҳар бир қарич ери қадрли, тупроғи унумдорлигини таъкидлаб, бу ерлардан самарали фойдаланиш, вилоятда кўп қаватли уйлар қурилишини кўпайтириш орқали аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш зарурлигини қайд этган эди.

Ана шу ташаббус асосида вилоятнинг бир қатор туманларида кўп қаватли уйлар қурилишига киришилди. Ургут ва Тойлоқ туманларида эса Самарқанд шаҳридаги каби 12, 14, 16 қаватли уйлар қурилиши бошланди.

Жумладан, Тойлоқ тумани марказидан 6 гектар ер майдони ажратилиб, 2 минг хонадонга мўлжалланган 20 та кўп қаватли уй, хизмат кўрсатиш ва сервис мажмуалари қуриш бўйича лойиҳа тасдиқланди.

2019 йилнинг ўзида 6 та 12 қаватли уй қурилиши бошланиб, айни пайтда бу уйларда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ургут туманида эса Мерганча маҳалласи ҳудудида 20 гектар ер майдони "Янги Ургут маскани" барпо этиш учун ажратилди. Бу ерда ҳам ўтган йили август ойида 6 та 12 қаватли уй қурилиши бошланган эди ва бугун ушбу янги хонадонларга аҳоли кўчиб келмоқда.



Қишлоқдаги шаҳарча

Ҳа, бугун Мерганча янги, замонавий уй-жойлар, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари бунёд этилган замонавий шаҳарча кўринишини олган.

– Шу қишлоқда туғилиб ўсганман, маҳалламизда қайси оила қандай ҳаёт кечиришини яхши биламан, – дейди Ургут туманидаги "Мерганча" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўйчи Муродов. – Тўғриси, авваллари ҳам қишлоғимизда ўзига тинч, тўқ оилалар бўлган, лекин ҳозиргидек замонавий уй-жойлар қаёқда

эди. Одамлар уй-жой қуришга ҳам кўрқарди. Чунки уйни пишиқ ғишдан курсангиз, "ғиштни қаердан олдинг?", томни тунука билан ёпсангиз "бунинг пулини қаёқдан топдинг?", деган сўроқлар бўларди. Шу сабабли одамлар уй-жойига қарашга ҳафсала қилмаган ёки бунга имконияти бўлмаган. Жуда орзу-ҳавас қилган одам ҳам ошиб борса "болхона"дор уй қуради, холос. Буям қишлоқда санокли бўларди.

Қишлоғимизда 2013 йилда илк бор намунавий лойиҳа асосида

уйлар қурилиб, аҳолига имтиёзли кредит асосида берилганда кўпчилик ишонқирамай қаради, ҳавас қилса-да олишга шошилмади, – сўзида давом этади маҳалла раиси. – Бир-икки йилдан кейин эса бу уйларга талабгорлар кўпайди, туманимизнинг турли ҳудудларидан одамлар кўчиб кела бошлади. Кейин, 2017 йилдан икки сотихли арзон уйлар қурилди, 2018 йилдан эса уч қаватли уйлар бунёд этилди. Шу тарзда ўша йили 4 та, ўтган йил 7 та кўп қаватли уй барпо қилиниб, 240 оила кўчиб келди. Бу йил яна 48 хонадонли 2 та тўрт қаватли уй қуриляпти. Икки-уч ойда бу янги хонадонларга уй-жойга эҳтиёжманд оилалар кўчиб келади. Коттежларимиз ҳам 400 тага яқинлашиб қолди. Шу пайтгача маҳалламизда 295 хўжалиқда 2 минг 200 нафардан ортиқ аҳоли яшаган бўлса, энди хўжаликлар сони ва аҳоли қарийб икки баробар ошди. Ўтган йил ҳудудимизда 12 қаватли уйлар қурилиши бошлангач, Мерганчани одамлар қишлоқ демаяпти, "Ургут сити" деб аташяпти. Ана шу янги "сити"да 10 ойда 6 та 12 қаватли, 336 хонадонли уйлар қурилиб, бугун кўрган кўзни қувнатмоқда. Бу уйларда ҳаёт кечиришнинг таърифу тавсифини мен айтсам, муболага дейсиз, яшаётганлардан сўрасангиз, ўзингиз ҳам бунга амин бўласиз.

12-қаватга 25 сонияда чиқиш мумкин

Ургут тумани ҳокимлиги бош мутахассиси Нодир Шодиев ҳамроҳлигида "Ургут сити"даги янги уйларни бориб кўрдик.

– Туманимиз марказида шу пайтгача ҳам кўп қаватли, яъни 4-5 қаватли уйлар бор эди, – дейди Н.Шодиев. – Ўтган асрнинг 80-90-йилларида қурилган бу уйларда, афсуски, кейинги йилларда табиий газ, иситиш тизими, сув таъминоти ва бошқа коммунал хўжалик масалаларида муаммолар юзга келавергач, "квартира"лардан одамларнинг ҳафсаласи пир бўла бошлаган эди. Ўзимизга ҳам кунда кунора шу уйлар билан боғлиқ кўплаб мурожаатлар бўларди. Шунинг учун Мерганчада 12 қаватли уйлар қурилади, деган гап чиққанда, қурилиш ишлари бошланганда ҳам ургутликлар бу уйларга унчалик қизиқиш билдирмади. Мана энди бугун, янги, замонавий уйларга одамлар кўчиб келиб, яшай бошлагач, бу хонадонларнинг қулайлик ва имкониятларини кўргач,

қарашлар ўзгаряпти.

– Илгари кўп қаватли уй қуриш учун ер қазилиб, бир йил пойдевор қўйишга ҳозирланган, – деб суҳбатга қўшилди мазкур объект қурилишига масъуллардан бири Самад Курбонов. – Кейин яна бир неча йил қурилиш давом этган. Бугун эса қурилиш технологиялари ўзгарди. Уй қуриш учун бир неча йил кутиш шарт эмас. Биз қураётган кўп қаватли уйларни қуриш учун биринчи навбатда, ҳудуднинг кейинги 50 йиллик сейсмик ҳолати ўрганилади. Бу ерда неча баллгача зилзила бўлиши мумкин ва бунга қарши қандай чоралар кўриш лозим? Шу асосида пойдевор қўйилади. Бу борада хорижий мамлакатларда тажриба орттирганман. Мана шу уйларимиз 8-8,5 балли зилзилага бардошли қилиб, қуйма темир бетон конструкциялар ва газоблоқдан қурилган. Деворлар хонадонда қишда иссиқ ва ёзда салқин сақлайдиган

қурилиш материаллари билан қолланган. Ҳар бир хонадон алоҳида иситиш тизимига эга. Табиий газ таъминоти мавжуд.

Меъзон янги хонадонлар имкониятлари билан танишиш учун бизни лифт томон бошлади.

– Уйларимизга хориждан келтирилган икки хил – одамлар учун ва юк ташишга мўлжалланган лифт ўрнатилган, – деди у ва соатимиз секундомерига қарашимизни сўради. – Биринчи қаватдан 12 қаватгача қанча вақтда чиқишимизга эътибор беринг. Бу лифтлар шундай ишланганки, бирор-бир сабаб билан электр энергиясида узилиш бўлса қаватлар ўртасида тўхтаб қолмайди, яъни лифтда қолиб кетмайси. Белгиланган қаватга чиқишингиз ёки тушганингизгача ишлаб туради.

25 сонияда 12-қаватга кўтарилдик. Уйнинг энг юқори қаватидаги ва қуйи қаватлардаги хонадонларда ҳаво ҳарорати бир хил. Ташқари жуда иссиқ бўлишига қарамай уй ичи исиб кетмаган. Заҳ ёки бошқа нохушликлар сезилмайди. Хоналар кенг, ёруғ. Эшик ва деразалар замонавий материаллардан тайёрланган, сифатли. Ошхона, ҳаммом зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Уйнинг саккизинчи қаватида яшовчи оила бекаларнинг айтишича, хонадонга кондиционер қўйишга эҳтиёж йўқ. Кундузи ҳам, тунда ҳам ҳаво ҳарорати меъёрида.

– Бугунги кунда туманимизда аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг энг самарали йўли – кўп қаватли уйлар экан, – дейди Н.Шодиев. – Сабаби, биласиз, Ургутда аҳоли кўп, лекин ер майдонимизнинг ҳар бири қаричи ҳисобли. Агар аҳоли эҳтиёжи учун бир қаватли ҳовли-жойлар қуришда давом этсак, қишлоқ хўжалиги соҳасида, демакки, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда кейинчалик муаммолар келиб чиқиши мумкин. Кўп қаватли уйлар эса бу борада самарали ечим. Биргина мана шу массивнинг ўзидagina 20 дан ортиқ 12, 14, 16 қаватли уй қурилишини давом эттирсак, юзлаб оилаларимиз ўз хонадонига эга бўлади. Уйлар билан бирга бу ерда таълим ва тиббиёт мусассалари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, ишлаб чиқариш корхоналари қурилади. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, яқин йилларда Мерганча ҳақиқатдан ҳам замонавий шаҳарча бўлади.

16 қават забт этилган, навбат 22, 30 қаватли уйларга

Шу пайтгача Самарқандда энг баланд бинолар 12-15 қаватни ташкил этган. Яъни, вилоят ҳокимлигининг кенгашлар уйи ва Сўғдиёна максанидаги битта кўп қаватли уй 12 қаватдан иборат бўлган. Гагарин кўчасида илгари меҳмонхона сифатида фойдаланилган ва кейинчалик реконструкция қилиниб, уй-жойга мослаштирилган бино эса 15 қават бўлган. Ўтган асрнинг

70-80-йилларида фойдаланишга топширилган бу бинолар ҳам бир неча йиллар давомида бунёд этилганини катта авлод вакиллари ҳали ҳануз эслаб гапиришади.

Аммо бугун Самарқанд шаҳрини жаҳон туризм масканларидан бирига айлантириш борасида муайян дастурлар асосида иш олиб борилар экан, қадимий кентнинг тарихий ҳудудида кўп қаватли уйлар қурилишига эмас, аксинча мавжуд биноларнинг қадимий, шарқона архитектурасини сақлаб қолиш, уларни туристик объект сифатида сайёҳларга кўрсатишга эътибор қаратилмоқда. Осмонўпар уй-жойлар, замонавий бино ва иншоотлар эса шаҳарнинг тарихий қисмидан четда бунёд этилмоқда.

Биргина Самарқанд туманининг Қорасув массивидан Самарқанд шаҳри учун ажратилган 100 гектарлик майдонда яқин йилларда юз минг, кейинчалик эса бир миллион аҳоли яшайдиган замонавий шаҳарча қурилмоқда. “Обод маскан” деб ном олган мазкур ҳудудда 2018 йилдан буён 100 дан ортиқ кўп қаватли уй-жой барпо этилди. Уларнинг йигирмадан ортиғи 12, 14, 16 қаватли бинолардир. Бу борада бой тажриба тўплаган “Agromir buildings” корхонаси жорий йилда 48 та ана шундай осмонўпар уйни бунёд этмоқда.

“Ўзшаҳарқурилишинвест” инжиниринг компанияси



эса 3 та 16 қаватли уй буюртмачиси ҳисобланади.

– Шу пайтгача ҳам мазкур массивда беш-етти қаватли уйлар қурганимиз, – дейди “Ўзшаҳарқурилиш-инвест” инжиниринг компаниясининг Самарқанд вилояти бўйича назоратчиси Шерзод Аҳмедов – Лекин 16 қаватли бу уйлар ўзининг кўриниши, дизайни, яратиладиган қулай шароитлари, энг муҳими ўзига хос қурилиш технологияси билан ажралиб туради. Яна бир эътиборли томони, ўтган йил қурилган кўп қаватли уйларимизда хонадон ичи баландлиги 2,7 метрни ташкил этган бўлса, бу йил 3 метр қилиб қурилмоқда. Бу нозик дидли кишилар талабига ҳам жавоб беради, дегани. Эътиборлиси, бу 240 хонадон уй-жойга эҳтиёжманд аҳолига имтиёзли кредит асосида берилади.

Дарвоқе, яна бир маълумот. Эндиликда ушбу массивда 22 қаватдан 30 қаватгача бўлган уй-жой биноларини қуриш режалаштирилмоқда. Демак, Самарқандда 16 қаватли уй ҳозирча, энг баланд бино. Лекин яқин орада бу марра янада юксалади. Бу ўринда гап бинонинг қанчалик баландлигида ҳам эмас, балки аҳоли турмуш даражасининг юксалиби, замонавий, ҳар томонлама шинам ва қулай хонадонларда яшашга интилишнинг кучайиб бораётганида.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

|| ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси давом этади

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Шавкат Ҳамроев ва Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Оливье Шав томонидан Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳасининг 2-босқичи тўғрисида икки томонлама битим имзоланди.



Шу муносабат билан пойтахтимизда ташкил этилган тадбирда соҳадаги икки томонлама дўстона ҳамкорлик сўнгги йилларда янада мустаҳкамланаётгани, бу эса навбатдаги лойиҳани амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Ўз навбатида Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистон-

даги Фавқулодда ва мухтор элчиси Оливье Шав сув ва сув ресурсларини оқилона бошқариш ҳар икки томон учун ҳам доим муҳим масала бўлиб келганини эътироф этди. Шу боис, пандемия шароитига қарамасдан лойиҳаларни давом эттиришга қарор қилинди.

“Ўзбекистонда сув ресурслари-

ни бошқариш миллий лойиҳаси”-нинг 2-босқичи Швейцария ҳамкорлик ва тараққиёт агентлигининг “Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқариш ҳудудий дастури” доирасидаги фаолиятининг мантиқий давомидир. Унда мамлакатимиздаги сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқариш орқали қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитини яхшилашга эришилади. Умумий бюджети 4,6 миллион Швейцария франкига тенг ушбу лойиҳани 2020-2023 йилларда амалга ошириш мўлжалланган.

Унинг доирасида республикамиздаги 13 та ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ва 152 та туман ирригация бўлимида сувдан самарали фойдаланиш ва сув ресурсларини барқарор бошқаришни режалаштириш учун дастурий таъминот мажмуи ишлаб чиқилади. Шунингдек, сўғириш-дренаж тармоқларини АКТ асосида мониторинг қилиш тизимини яратиш ҳам кўзда тутилган.

Келгусида қишлоқ хўжалиги ва сув ресурсларини бошқаришга ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда фермерларнинг сув тежовчи технологиялар ҳақидаги билимларини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар амалга оширилади.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Беккер Нобель мукофотини бекорга олганми?



ЎКИ

МЕХНАТЧИНИНГ
ДАСТУРХОНИ
КОРХОНАДА
ТУЗАЛИШИ
КЕРАКМАСМИ?

ЎРДАМЧИ ХЎЖАЛИКНИНГ ЎРДАМИ...

Хозирги глобал “COVID-19” пандемияси шароити бутун дунёни саросима қомига олди. Катта иқтисодий инқироз ҳолатини вужудга келтирди. Бу айниқса дунё бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотида ўз аксини кўрсатмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ҳам энг аввало ўз аҳолисининг ғамини ўйлаб, уларнинг экспортига чек қўйишмоқда. Бу ишларнинг тадоригини кўриш қишлоқ хўжалигини барча қоралар билан ривожлантириш бўйича Президентимиз томонидан муҳим ва долзарб чора-тадбирлар кўриломоқда. Ҳар қандай мураккаб шароит ва вазиятга қарамай, соҳа фаолиятида барча қилиниши зарур бўлган ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Корхона тўғрисида”ги қонуни корхоналарга ўз ходимлари ҳақида мунтазам қайғуриш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, ўз ходимлари, уларнинг оилалари, уруш ва меҳнат фахрийларининг манфаат ва эҳтиёжларини қондириш, яхши ишлашга мунтазам рағбатлантириш, меҳнат жамоаларида юзага келадиган баҳс ва низоларни ўз вақтида ҳал қилиш мажбуриятини юклайди. Шунингдек, америкалик иқтисодчи олим Г. Беккер ўзининг инсон капиталини ривожлантириш борасидаги тадқиқот ишида, ходим оиласининг тинчлиги, турмуш шароити ва таъминотининг етарли бўлиши унинг

меҳнатига муҳим омил бўлиб хизмат қилишини далиллади ва бу иши учун 1992 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлади.

Айни даврда республикадаги барча корхона, компания ва бошқа ташкилотларнинг ўрдамчи хўжалиklarини ташкил этиш масаласи қандай натижа беради, деган масала ҳақида янаям жиддийроқ ўйлаш лозим бўлаяпти. Маълумки, саноат ва бошқа соҳа корхоналарининг маблағи, моддий-техник базаси шаклланган бўлади. Улар ўз имконияти ва салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, деҳқончилик ёки чорвачилик билан шуғулланиш учун моддий-техникавий ва молиявий имкониятларидан фойдаланади. Заруратга қараб агротехник ишларга ўзидаги техникаларни ҳам сафарбар этади. Экин майдонларига сув чиқариш, молхоналар, омборхоналар қуриш имкониятлари бўлса, барчасини ишга солади. Ишчи ходимлар учун муносиб шарт-шароит ва иш ҳақи билан таъминлайди. Шу йўл билан унинг қишлоқда яна битта йўналиш бўйича фаолияти вужудга келади. Бу билан корхона иқтисодий зарар ва йўқотиш ҳолатларига дуч келмайди. Етиштирилган маҳсулотларини ўз ходимларига деярли таннарх баҳосида сотади. Бу эса бозор нархидан 40-50 фоизга, ҳатто ундан ҳам арзонга тушиш имконини беради. Корхона ўзидаги техника

ва бошқа ресурсларидан фойдаланиб, ўрдамчи хўжалигининг моддий-техник базасини шакллантириб боради. Агротехник тадбирларни талаб даражасида ҳамда арзон амалга ошириш имконига эга бўлади. Натижада ердан фойдаланиш самарадорлиги ошади, олинадиган ҳосилдорлик юқори бўлиб, арзон маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинади. Шунингдек, корхонанинг техник имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, жойнинг ўзида логистик хизматларини йўлга қўйиши мумкин. Бунда маҳсулотларни сақлайдиган омборхона, музхона, қайта ишлаш корхоналари ташкил этиб борилади. Маҳсулотларни қайта ишлаш цехи ёки корхонасида бошқа фермер хўжалиklarининг маҳсулотларини қайта ишлаб бериш ёки ўзи сотиб олиб қайта ишлаш билан ҳам кўшимча қийматга эга бўлади. Бу билан корхона фаолиятида диверсификация қоидалари асосида субъектнинг битта фаолияти сифатида шаклланади.

Корхоналар қир-адирлар, яйловларда ўзининг молхонасини қуриб, чорвачиликни йўлга қўйса, меҳнат жамоасини гўшт ва сут маҳсулотлар билан арзон нархларда таъминлаш имкони туғилади. Ана шундай ўрдамчи хўжалик ташкил этган корхона, тумандаги экин майдонларидан ер олиб, чорва озуқаси учун экин экиш имконини бериш керак. Бунга бир қарашдан беда ёки арпа эккандан кўра, сабзи-пиёз экиш фойдали-ку, деб ҳисобловчилар ҳам топилади. Сабзи-пиёз бўлмаса, унинг ўрнига муҳим бўлган гўшт, сут бўлиб қайтаётганлигини ҳам унутмаслик керак.

Ёки саноат асосида паррандачилик, қўнчилик, қўйчилик ва бошқа фермалар учун ҳам экин майдонларидан ер майдонларини ажратиш, улар фаолиятини ривожлантириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш имконини беради.

Етиштирилган маҳсулот бу – ҳалқ бойлиги. Ундан ўзимизнинг фуқаролар баҳраманд бўлишади. Бундай субъектлар ҳам фермерлар билан бир қаторда солиқ тўловларини амалга оширади ҳамда улар етиштирган маҳсулотларни етиштиради. Демак бу билан ҳеч қанақанги йўқотишлар содир бўлмайди.



Агар

ходимнинг оиласида камчилик ва етишмовчиликлар бўлса, унинг фаолиятида самарадорлик ва сифат ҳам етарли бўлмайди. Шунинг учун энг аввало ходимнинг оиласидаги барча камчиликларни бартараф этиш зарур.

Молиявий жиҳатдан бақувват корхона эса, барча агротехник тадбирларни оби-тобида амалга ошириши билан мўл ҳосил етиштириб, юқори самарадорликка эришади. Яъни, бу билан корхоналар ўз ходимларини озиқ-овқат билан таъминлашда ва нарх-навосида сезиларли даражадаги индикатор ҳолати вужудга келади.

Бундай ишларни фермер хўжаликлари кўп қийинчилик ва муаммолар остида амалга оширади. Чунки уларнинг моддий-техник базаси қаноатлантирарли даражада шаклланган эмас. Улар ҳажман кичик бўлганлиги ва етиштираётган маҳсулоти кам ва арзон нархларда сотилиши билан ўзларини техник воситалар билан таъминлаши – мураккаб масала.

Туман қишлоқ хўжалигида ўрдамчи хўжаликни шу тумандаги корхоналар бўладими ёки бошқа йирик шаҳарларданми, аҳамияти йўқ, фақат улар ердан унумли фойдаланса бас. Ҳозирги пайтда айрим фермер хўжаликларни моддий-техник ва молиявий имкониятларининг чегараланганлиги боис кўзланган мақсадларга эриша олмаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ердан қанақа маҳсулот етиштириш ўзига боғлиқ бўлиб, бу албатта халқ эҳтиёжларидан келиб чиққан бўлади. Бу фаолият корхона учун ҳам, корхона ходимлари учун ҳам, давлат учун ҳам фойдали бўлади.



Қорақалпоғистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ўтган йили Мўйноқ туманида бошланган болалар ёзги дам олиш оромгоҳининг қурилиш ишлари тугалланиб, 15 июнь куни фойдаланишга топширилди. Туманнинг "Бўзатов" ОФЙ ҳудудида 12,7 гектар майдонда барча шароитларга эга замонавий болалар дам олиш ҳамда соғломлаштириш маркази қисқа фурсатларда қад ростлади.



"Оқ кема" - оппоқ орзулар рўёби

Атрофи мевали ва манзарали дарахтлар билан куршалган муассасага юқоридан назар ташланса, денгизда сузиб юрган кемани эслатади. Ўзбекистонда ҳозирча қиёси йўқ болалар ёзги дам олиш масканига "Оқ кема" дея ном берилди. Мавсумда 600 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилаётган ушбу оромгоҳга, Орол бўйида истиқомат қилаётган 150 нафар болажон йўлланма олди.

– Эртақлар шаҳарчасига тушиб қолгандек сезяпман ўзимни, – дейди Шўманай тумани 16-сонли мактабнинг 7 синф ўқувчиси Тумарис Мамбеталиева. – Оромгоҳда биз, болалар учун барча шароитлар яратилган.

– Бугунги синовли кунларда ҳам мамлакатимиз раҳбарининг оталарча ғамхўрлиги туфайли меҳрга муҳтож болаларнинг ҳар куни шодиёналарга тўла ўтмоқда, – дейди

1-сонли "Меҳрибонлик уйи" директори Светлана Сон. – Янги оромгоҳда дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун муассасамиздан бир гуруҳ ўқувчиларни олиб келдик. Чўлнинг қоқ марказида болажонлар учун жаннатмонанд барпо этилгандек гўё.

Болалар ёзги дам олиш оромгоҳининг ташқи ва ички безаклари маромига етказиб сайқаллаб ишланган-ки, ҳайратдан ва таассуротлардан бошқа оламга тушиб

қолгандек сезасиз ўзингизни. Ҳар бир хона дид билан ярашиқли безатилган.

– Бир гуруҳ усталар билан жиҳозларни хоналарда, жой-жойига қўйиб бердик, – деди "Kasaba Poligraf Design" МЧЖ менежери Шаҳзод Умиров. – Бундай болалар дам олиш маркази бошқа жойларда ҳали бунёд этилгани йўқ.

Оролбўйида бўй тиклаган қиёси йўқ ҳордиқ чиқариш муассасасини барпо этишга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси маблағлари ҳисобидан 37 млрд. сўм ажратилган.

Оромгоҳда ўғил-қизларнинг мароқли дам олишлари баробарида уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ва юксалтириш учун ҳам барча шароитлар яратилган. Маданият ва маърифат маркази, китоблар захирасига бой ахборот-ресурс маркази, ўнлаб тўғарақлар учун махсус хоналар, очиқ театр, футбол, баскетбол ва волейбол майдончалари, сузиш хавзаси ва барча замонавий жиҳозлар билан таъминланган 250 ўринлик ётоқхоналар болажонлар ихтиёрида.

Ортиқбой МАТКАРИМОВ,
журналист.

Сирдарёлик болажонлар "Истиқлол"да

Бир гуруҳ сирдарёлик болажонлар Жиззах вилояти Зомин туманидаги "Истиқлол" болалар соғломлаштириш оромгоҳида бепул дам олмоқда.

Сардоба сув омбори фожиасидан жабрланган сирдарёлик аҳоли турмуш тарзини тиклаш, хусусан талафот етган уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ҳудудда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда, офатдан жабрланган аҳоли фарзандларининг таълим-тарбияси, хусусан, болаларнинг ёзги таътилини мақсадли ташкил этиш ҳам бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бу борада "Олмалик кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти томонидан сирдарёлик болаларнинг ёзги таътилни мароқли ўтказиши учун хайрли ишга қўл урилди.

Жумладан, комбинат томонидан Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги "Истиқлол" болалар соғломлаштириш оромгоҳи сирдарёлик болажонлар учун ҳозирланиб, бо-

лаларнинг таътилни мароқли ўтказиши учун барча зарур шарт-шоеитлар яратилди.

Айни пайтда 160 нафар сирдараёлик болалар оромгоҳимизда ёзги таътилини ўтказмоқда, – дейди «Истиқлол» болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Д.Усанова. – Бу йил оромгоҳимиз "Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат, миллий меросга хурмат" шiori остида фаолият олиб бормоқда. Болажонлар "Элпарвар", "Мард ўғлон", "Ўзбегим қизлари", "Зулфия издошлари", "Ёшлик", "Истиқлол", "Юлдузча" ҳамда "Кичкинтой" каби отрядларга бўлинган ҳолда дам олишмоқда.

Ҳозирги пандемия вақтида оромгоҳда қатъий карантин қоидаларига риоя этилган ҳолда болажонлар учун 13 нафар малакали педагоглар жамоаси, 2 нафар шифокор ва 3 нафар ҳамшира, 8 нафар етакчи ҳамда қўриқлаш ташкилоти ходимлари хизмат қилиб келмоқда.



Болаларнинг оромгоҳда мазмунли ва мароқли ҳордиқ олиши учун "Моҳир қўллар", "Ёш табиатшунос", "Инглиз тили", "Маънавият ва маърифат дарслари", "Бисер тўқиш", "Расм чизиш", "Ёш суҳандон" каби тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилган. Ҳар бир тўғарақка масофа сақлаган ҳолда 5 нафардан бола навбатманавбат қатнашади. Бундан ташқа-

ри, 1 минг 300 дан ортиқ бадий адабиётлардан иборат кутубхона болажонлар ихтиёрида. Шунингдек, болажонларни соғломлаштириш мақсадида стол тенниси, футбол, баскетбол, волейбол, шашка, шахмат, бадминтон каби спорт тўғарақлари ҳам фаолият юритмоқда.

А.ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА

Қашқадарёда ғалла ўрим-йиғими авжида



Вилоят ғалла штаби бошлиғи Жуманазар Тангировнинг таъкидлашича, вилоятда ушбу йилда 1.088 минг тонна ғалла етиштириш режалаштирилган бўлиб, шундан 436000 тоннаси давлатга сотилади ва 479500 тонна уруғлик жамғарилади.

Республикаимиз деҳқонлари тўплаётган улкан ғалла хирмонига Қашқадарёлик ғаллакорлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Воҳада ғалла ўрим-йиғими жорий йилнинг 30 май куни Миришкор туманида бошланган бўлиб, ушбу мавсумда вилоят ғаллакорлари 204 минг гектар, шундан 141 минг гектар суғориладиган ва 63 минг гектар лалмикор ердан бошоқли дон экинларини йиғиб олишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Кўп йиллик тажрибалар, ўз вақтида қилинган агротехник тадбирлар ва унумли меҳнат ўз самарасини кўрсатиб, ғаллазорларда ушбу йилда мўл ҳосил етиштирилди.


Шу кунга қадар вилоятнинг ўрим тугалланган 68772 гектар ғалла майдонидан 207067 тонна бошоқли дон экинлари хирмонларга етказилди. Бу эса вилоятнинг 2020 йил давлатга ғалла сотиш шартномасида белгиланган 436036 тоннанинг 42 фоизини ташкил этади. Ўрилган далалардаги ҳосилдорлик ушбу кун ҳисобида 58 центнерни кўрсатмоқда. Халқимизнинг ризқ насибаси бўлган ғалла ҳосилини сифатли ўриб олиш ишларига вилоятда 460 та юқори унумли комбайнлар, 460 та қўчма устахона, 460 та ёқилғи мойлаш мосламалари ва етиштирилган дон маҳсулотларини хирмонларга нес нобуд қилмасдан етказиш учун 1954 та дон ташиш техникаси тўлиқ техник таъмир ва қўриқдан ўтказилиб, сафарбар қилинган. Айни дамда вилоятнинг барча туманларида ўрим-йиғим ишлари қизгин давом этяпти. Шу кунга қадар Миришкор, Косон, Касби, Нишон ва Муборак туманлари давлатга сотиш режасининг 50 фоизидан ортигини бажариб, етакчи ўринларда кетмоқда Ушбу туманлар кунига шартнома режасининг 5-6 фоизини топширишга эришяпти.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси вакилларининг ишдаги унум ва самарадорликни таъминлаш мақсадида отряд усулида белгиланган аниқ чора-тадбирлар асосида туну-кун қилаётган меҳнатлари ҳисобига ғалла хирмони кун сайин юксалиб бормоқда. Давлатимиз томонидан фермерлик ҳаракатининг қўллаб қувватланиши ва йил давомида қилинган самарали меҳнатлари ҳисобига туманлардаги фермер хўжаликлари ҳам шартномавий режаларини ортиғи билан бажаришяпти.

– Табиатнинг инжиқликлари қарамасдан ғалла майдонларимизда агротехник тадбирларни керакли пайтда бажаришга ҳамда ўғит ва сувни ўз вақтида беришга ҳаракат қилдик. Шунинг эвазига аввалги йилларда 25-30 центнердан ҳосил берган даламиздан бу йил 45 центнердан ҳосил олишга эришдик, – дейди Қарши тумани ҳудудида жойлашган “Сафарова Шаҳноза” фермер хўжалиги раҳбари Атхам Сафаров. Ризқ-рўзимиз бўлган ғалла ҳосилини талафотсиз ўриб олиш, хирмонларга етказиш ҳамда сифатли сақлаш ишларини бажаришда вилоят Фавқуллода вазиятлар ва Ички ишлар бошқармалари ходимлари ҳам кунни тунга улаб фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Ўрим йиғим ишларида фаол қатнашаётган юртдошларимиз вилоят ҳокимлиги томонидан ҳар беш кунлик мавсумда муносиб тақдирланмоқда. Ушбу ҳафтада меҳнаткашлар орасидан “Энг илғор комбайн оператори” номинациясида Сойибжон Боймуродов, Нуриддин Темиров, Яхё Саидов, “Энг илғор отряд раҳбари” номинациясида Гулмурод Фармонов, Жавлон Отамуродов, Бегали Қурбонов, “Энг илғор отряд аъзоси” номинациясида Хумоюн Хушвақтов, Илҳом Тоғаев, Каримжон Маҳманабиев “Энг фаол ғалла ташувчи автомашина ҳайдовчиси” номинациясида Илҳом Шеров, Йўлдош Бобоев, Жасур Ёмғировлар тақдирландилар. Ўрим йиғим фаолларига биринчи ўрин учун телевизор, иккинчи ўрин учун чангютгич, учинчи ўрин учун микротўлқинли печ ва бошқа қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шухрат ХҲЖАЕВ



«KO'CHMAS MULK SAVDO FAOLIYATI» MCHJ



Аукцион савдоларини ўтказувчи комиссия иштирокида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига “Ортиқбой Келдиев” МЧ ММТПнинг 2020 йил 10 июндаги № 6-сонли буюртма хатига асосан, жамият балансидаги Наманган вилояти, Уйчи тумани, Жийдакапа ҚФЙ манзилида жойлашган, 1971 йилда қурилган умумий қурилиш ости майдони 1971,0 кв.м бўлган 0001. Бостирма иншоотининг қурилиш ости майдони 647.58 кв.м. бўлган қисми, умумий қурилиш ости майдони 202,74 кв.м бўлган 0002. Ёрдамчи биноларидан иборат бўлган бино иншоотлар, умумий узунлиги L=156,7 п/м бўлган Қўрғон деворнинг узунлиги L=37,0 п/м қисми, умумий майдони S=623,0 кв.м бўлган асфальт майдоннинг S=300,0 кв.м дан иборат қисми, бошланғич баҳоси – 151 693 500 (Бир юз эллик бир миллион олти юз тўқсон уч минг беш юз) сўм қийматда қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2020 йил 20 июль куни соат 14.00дан бошлаб ўтказилади. Буюртмалар расмий иш кунлари соат 10.00дан 18.00гача қабул қилинади (12.00дан 13.00гача тушлик вақти). Буюртмаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2020 йил 17 июль куни соат 16.00.

Юқоридаги кўчмас мулк объекти 2020 йил 20 июль куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда 2020 йил 27 июль ва 3, 10 август кунлари соат 14:00да такрорий савдолари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Буюртмаларни қабул қилишнинг охири мuddати мос равишда 24, 31 июль ва 7 август кунлари соат 16.00.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қўйидагилар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Савдо ҳолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни амалган ошириш ва бошқа шартлар олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини савдо ташкилотчиси “KO'CHMAS MULK SAVDO FAOLIYATI” MCHJнинг АИТБ “Ипак йўли” Наманган вилоят филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000600407807001, МФО: 01054, ИНН: 303110873. Қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумот олиш ва аукцион савдоларини ўтказиш манзили:

Савдо ташкилотчиси: “KO'CHMAS MULK SAVDO FAOLIYATI” MCHJ, мэнзил: Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси 14-уй, (Вилоят касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси 1-қават).

Телефон: 69 227-25-22, 90 642-85-05, e-mail: kmsf_9192@mail.ru, веб-сайт: www.kmsf.uz

Лицензия: RR-0215.

“UNIVERSAL GIGANT GROUP” MCHJ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарувининг 25.04.2020 йилдаги 45-сонли йиғилиш баёни ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Соғликни сақлаш хизматининг 08.06.2020 йилдаги № ССХ 432-сонли хатига асосан, Самарқанд шаҳри, Беруний кўчаси 12-уй манзилда жойлашган, қурилиш ости майдони 244,31 м.кв бўлган 022 литердаги Стерилизация бино ва иншоотлари 1 560 120 000 (Бир миллиард беш юз олти миш миллион бир юз йигирма минг) сўм бошланғич баҳосида очик аукцион савдосига чиқарилмоқда.

Аукцион савдоси 2020 йил “20” июль куни соат 10:00 да “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Бухоро минтакавий филиали темир йул узели Самарқанд темирйул бекати биносининг мажлислар зали, манзил (Самарқанд шаҳар, Рудакий кўчаси 2-уй.) да бўлиб ўтади. E-mail: sher.turaev@gmail.com.

Аризаларни қабул қилиш манзили: (Жиззах шаҳри Ш.Рашидов шох кўчаси Оқ бозорнинг биринчи қавати)да қабул қилинади.

Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (12:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2020 йил 17 июль куни соат 16:00.

Юқоридаги мулк 2020 йил 20 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 5 ва 21 август кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2020 йил 5 августдаги такрорий савдолар учун 2020 йил 3 август куни соат 16:00; 21 августдаги такрорий савдолар учун 19 август куни соат 16:00.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закат келишуви, закат пули тўланганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади. Савдо ҳолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва мuddатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, бино бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пули ва “Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)” га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатилади ҳамда энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдордаги маблағлар савдо кунига қадар “UNIVERSAL GIGANT GROUP” MCHJнинг “Ипотекабанк” АТИБнинг Жиззах вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига тўлаб берилади. Тел: 226-22-52.

Лицензия: RR-0206.



ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Хизматлар лицензияланган.

2013 йилда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети томонидан Иргашева Юлдузхон Алижоновнага берилган В № 683197 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

2010 йилда Яқасарой тумани 172-сон умумий ўрта таълим мактаби томонидан Раҳмонов Авазхон Олимжонович номига берилган аттестат йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

*“ALYANS” MCHJ ҚҚ (СТИР: 200833359) ўз устан жамғармасини 300 000 АҚШ долларидан 283 016 АҚШ долларигача камайтириши маълум қилади. Тел: +998 (97) 130-20-59.

Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллик байрами шукуҳи кезиб юрган кунларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан халқимиз учун муносиб совға тайёрланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан, Ватанимизнинг фидойи фарзанди, Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Мамадали Топволдиев ҳаётига бағишланган “Кўприк” ҳужжатли романи ҳамда “Уруш, номинг ўчсин жаҳонда” номли шеърлар китоби нашрдан чиқди.

Қаҳрамонлар матонатини

ҳеч қачон унутилмайди


Маълумки, иккинчи жаҳон уруши ўзбек халқига ҳам жиддий синов бўлди. Ватанимизнинг барча қудрати, шу жумладан фан, адабиёт ва маданият ҳам бир мақсадга – мамлакатни фашизмдан ҳимоя қилишга қаратилди. Олимлар, ёзувчилар, санъат ва маданият ходимлари ҳам бор куч ва имкониятлари билан фронтга ёрдам бердилар. Уруш нафаси катта шиддат билан адабиёт ва санъатга ҳам кириб келди. Мақсуд Шайхзода таъбири билан айтганда, шеърят ҳам шинел кийди. Ойбек, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Уйғун, Миртемир, Зулфия, Абдулла Қаҳҳор каби атоқли шоир ва адиблар эл-юрт ҳимоясига, халқимиз жасоратига бағишланган ўткир публицистик шеърлар, очерклар, даъватномалар ёздилар. Ўзбек зиёлиларининг кўпчилиги, шу жумладан, 150 дан ортиқ қалам соҳиби ҳам халқимиз фарзандлари сафида босқинчиларга қарши курашиш учун жангоҳларга жўнаб кетдилар. Булар орасида Султон Жўра, Мамарасул Бобоев, Шароф Рашидов, Аширмат, Марзақалон Исмоилий, Шухрат, Назармат, Адхам Раҳмат, Наби Юсуфий, Адхам Ҳамдам, Неъмат Тошпўлат, Султон Акбарий, Зоҳиджон Обидов, Мавлон Икром, Суннатилла Анорбоев, Қодир Мирмуҳамедов, Қодиржон Имо-

мов, Тўра Жуман ва бошқалар бор эди. Улар қонхўр ва қаттол ёв билан бир қўлда қурол, бир қўлда қалам тутиб жанг қилдилар. Улар ўз шеърлари, мақолалари, дoston ва жанговар лавҳалари билан жангчилар руҳини кўтариб, Ватан, эл-юрт даҳлсизлиги, ор-номус учун курашга рағбатлантирдилар. Ғалаба кунини яқинлаштирдилар.

Султон Жўра, Олим Шарафутдинов, Ҳасан Саид, Бурҳон Турсунов, Жалил Қодирий, Ақром Аҳрор, Қодиржон Имомов каби бир қатор шоирлар, ижодкорлар жангда ҳалок бўлдилар. Улардан ёдгор бўлиб ўтли-оловли жангоҳларда ёзилган шеърлар, асарлар қолди.

“Уруш, номинг ўчсин жаҳонда” номли тўпламга Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган жангчи-шоирлар, уруш даврининг аянчли оқибатларини бошдан кечирган устоз адиблар ва бугунги кунда Мустақиллик шарофати билан юртимизда барқарор бўлган тинчлик ва осойишталик боис эмин-эркин қалам тевратаётган ижодкорлар шеърлари ҳамда уруш даври халқ кўшиқларидан намуналар киритилди.

“Кўприк” романи таниқли ёзувчи Ҳамид Бурҳон қаламига мансуб бўлиб, асар бошдан охир далил, реал воқеликларга асосланган. Зеро, риштонлик қаҳрамон Мамадали Топволдиевнинг иккинчи



жаҳон урушида кўрсатган жасорати ва фидойилиги тилларда дoston бўлиб кетган. Беларус давлатида ажойиб бир масканинг “Топволдиевка” деб номлангани, гитлерчилар томонидан бу мард инсон боши учун 50 минг рейхсмарка пул ваъда қилишгани бежизга эмас. Ёзувчи асарда Мамадали Топволдиевнинг шахс ва арбоб сифатидаги ажойиб фазилатларини ҳам гаўдалантиришга ҳаракат қилган.

Айни пайтда фашизмга қарши курашда қаҳрамонлик кўрсатган юртдошларимиз ҳақидаги Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг “Эр бошига иш тушса”, Вали Ғафуровнинг “Вафодор”, Александр Бекнинг “Волоколамск йўлида” номли романлари ҳам нашрдан чиқиш арафасида.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Ижод” жамоат фонди томонидан Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган нашр этилган мазкур китоблар мутолааси ўқувчиларни уруш қаҳрамонлари матонатини ҳеч қачон унутмасликка, юртимиздаги тинчликнинг қадрига етишга, уни асраб-авайлашга, огоҳликка даъват этаверади.

Муҳиддин АБДУСАМАТОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
масъул котиби.

ЭКОЛОГИЯ

Оролбўйи атроф-муҳити муҳофазаси жамоатчилик муҳокамасида

Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик Траст фонди фаолиятини кўллаб-қувватлаш бўйича “Йўл харитаси”нинг амалга оширилиши жамоатчилик мониторинги натижалари муҳокамасига бағишланган онлайн давра суҳбати ўтказилди.

17 июнь – Бутунжаҳон қурғоқчилик ва чўлланишга қарши кураш кунига бағишланган тадбирда “Logos” нодавлат нотижорат ташкилоти, Ўзбекистон Экологик партияси ва Ўзбекистон экологик ҳаракати, қатор экологик жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда асосий эътибор таътиб этилаётган “Оролбўйи бўйича Йўл харитасининг амалга оширилишини жамоатчилик мониторинги” грант лойиҳаси доирасида “Yuksalish” умумийлик ҳаракати, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш Ассоциацияси (АРО) ва USAIDнинг бевосита кўмагида амалга оширилиши режалаштирилган ишларга қаратилди.

Қайд этилганидек, 1994 йил 17 июнь кунини БМТ томонидан “Чўлланишга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция қабул қилинган. Уни ратификация қилган давлатлар ўртасида халқаро ҳамкорликни ўрнатиш, аҳолининг мазкур муаммо юзасидан хабардорлигини ошириш, шунингдек, қурғоқчилик оқибатларини

бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли Траст фондининг лойиҳалари Орол фожиаси оқибатларининг олдини олиш, минтақа аҳолиси саломатлиги ва атроф-муҳитга чўлланишнинг салбий таъсирини камайтиришга йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Мутахассислар томонидан тайёрланган “Йўл харитаси”даги айрим тадбирларнинг белгиланган муддатларда бажарилмагани, фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлиги айтилди. Жумладан, маҳаллий ташкилотлар имкониятлари жалб қилинмагани танқид қилинди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қатор муҳим ҳукумат ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назорати имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаган. Шунингдек, бундай тадбирларни амалга оширишга фуқаролик жамияти институтлари жуда ҳам кам жалб қилинган.

– Ҳозирга қадар мазкур фондга

мамлакатимиздан ташқари, Норвегия, Финляндия каби давлатлардан 26 миллион доллар миқдорда маблағ жалб қилинган, – дейди “Logos” нодавлат нотижорат ташкилоти кенгаши раиси Саидрасул Сангинов. – Эндликда ушбу молиявий ёрдамлардан унумли фойдаланишимиз зарур. Айниқса, бу ишларда кенг жамоатчилик ва ёшлар фаоллигини ошириш зарур. Бунда вазирлик ва идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари ҳам масъулият билан ёндашса, саъй-ҳаракатлар тўлақонли бажарилса, Оролбўйида табиий аҳвол яхшиланишига олиб келади.

Давра суҳбати иштирокчилари ҳудудда юзага келган экологик муаммолар, жумладан, янги “Оролқум” саҳросининг пайдо бўлиши, экотизимлар деградациясининг давом этиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, янги ёндашув ва инновацион технологияларни талаб этишини айтиб ўтди. Муҳокамалар бўйича яқини ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш ва зарур вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш ҳолати бўйича келишиб олинди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири.



JOHN DEERE

MONOSEM



"Monosem" kompaniyasi paxta, moш, makkaжўхори va соя уруғларини экиш учун аниқ экадиган сеялкани тақдим этади. Қатор сони: 4, 6, 8 va 12. Қатор оралиғи: 60 см, 76 см, 90 см. Шунингдек экиш пайтида минерал ўғитлар va гербицидларни қўллаш мумкин.

WWW.LANDTECH.UZ

+[998] 90 325 49 99

+[998] 93 181 11 66

+[998] 78 150 76 66

Маҳсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail: chzsxt@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибдаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир хайъати:
Жамшид ХЎЖАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шухрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммаджон
ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ХАИТОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ
(Бош муҳаррир
уринбосари)

Раимқул СУЯРОВ
(Бош муҳаррир
уринбосари)

Саҳифаловчи-дизайнер
М.ЮСУПОВ

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.
Факс – 233-44-43, 233-09-93. Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Бюролма Г-625, ҳажми 4 босма
табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.
Манзилмиқ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
3 197 нусxada чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7023



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.10